


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI  
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
“XORIJIY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA'NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY  
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

**mavzusidagi**

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR  
MAQOLALAR TO'PLAMI**



**BUXORO -2022**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI  
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
“XORIJIY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA'NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY  
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

**mavzusidagi**

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR  
MAQOLALAR TO'PLAMI**



**BUXORO -2022**

Мазкур мақолалар тўплам 2022 йил 9 феврал куни Бухоро мұхандислик-технология институтида “Алишер Навоий маънавий мероси – умуминсоний қадриятлар сарчашмаси” мавзусида халқаро миқёсда ўтказилган масофавий илмий анжуман материаллари асосида тузилган. Анжуманда Алишер Навоий маънавий меросининг ўзлигимизни англаш мезони сифатидаги тамойиллари, Ёшларни касб-хунар ва илмий-инновацион фаолиятга йўналтиришда Ҳазрат Мир Алишер Навоий асарларида ифодаланган фундаментал тамойиллар ва шоир маънавий меросининг руҳий-маънавий, тарбиявий аҳамияти, Жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосида курашишда инсонпарварлик ғоялари каби масалалар мұхокама этилди. Анжуманда Туркия, Қозоқистон мамлакатлари ва республикамизнинг таникли олимлари, докторант ва мустақил тадқиқотчилари ўз маъruzалари билан иштирок этилди.

Ушбу анжуман материаллари муаллифларнинг илмий изланишлари натижаси сифатида тўлиқ матни сақланган ҳолда нашрга киритилди.

### **Ташкилий қўмита аъзолари:**

**БухМТИ ректори, проф.Н.Р.Баракаев**

**БухМТИ илмий ва инновацион ишлар проректори**

**ф-м.ф.доктори М.Шарипов**

**БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири ф.ф.д.Г.С.Юнусова**

**БухМТИ “Хорижий тиллар” кафедраси мудири ф.ф.ф.д PhD М.Баротова**

### **Мусахҳих:**

**БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси Г.Х.Истамова**

**Мақолалардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва имло жиҳатларига**

**муаллифлар масъулдирлар**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED EDUCATION  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**BUKHARA INSTITUTE OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY  
DEPARTMENT OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE  
DEPARTMENT OF FOREIGN LANGUAGES**

**INTERNATIONAL DISTANCE SCIENTIFIC SEMINAR  
COLLECTION OF ARTICLES  
on the subject**

**"ALISHER NAVOI'S SPIRITUAL HERITAGE - THE SOURCE OF  
UNIVERSAL VALUES"**



**BUKHARA-2022**

This collection of articles is based on the materials of the international distance scientific conference "Alisher Navoi's spiritual heritage - the source of universal values" held on February 9, 2022 at the Bukhara Institute of Engineering and Technology. Principles of Alisher Navoi's spiritual heritage as a criterion of self-awareness, fundamental principles expressed in the works of Hazrat Mir Alisher Navoi in directing young people to professional and scientific-innovative activities and the spiritual and educational significance of the poet's spiritual heritage, humanitarian ideas in the fight against ignorance are discussed. Well-known scientists, doctoral students and independent researchers from Turkey, Kazakhstan and the Republic of Uzbekistan took part in the conference.

The materials of this conference have been published in full text as a result of the authors' research.

#### Members of the Organizing Committee:

Rector of BukhIET, prof.N.R.Barakaev

Vice-rector for scientific and innovative work of BukhETI

DSc.of Ph-M. M.Sharipov

Head of the Department of Uzbek Language and Literature, BukhETI,

DSc. G.S.Yunusova

Head of the Department of Foreign Languages, BukhETI, PhD M.B.Barotova

#### Editor:

Teacher of the Department of Uzbek Language and Literature, BukhETI,  
G.Kh.Istamova

The authors are responsible for the accuracy and cohesion of the information in the articles.

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
КАФЕДРА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ  
КАФЕДРА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОГО ДИСТАНЦИОННОГО НАУЧНОГО  
СЕМИНАРА  
по теме**

**"ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВАИ - ИСТОЧНИК  
ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ"**



**БУХАРА-2022**

Сборник статей подготовлен по материалам международной дистанционной научной конференции «Духовное наследие Алишера Наваи – источник общечеловеческих ценностей», состоявшейся 9 февраля 2022 года в Бухарском инженерно-технологическом институте. Обсуждены принципы духовного наследия Алишера Наваи как критерий самосознания, основополагающие принципы, выраженные в произведениях Хазрат Мир Алишера Наваи в направлении молодежи к профессиональной и научно-новаторской деятельности и духовно-просветительское значение духовного наследия поэта, гуманистические идеи в борьбе с невежеством. В конференции приняли участие известные ученые, докторанты и независимые исследователи из Турции, Казахстана и Республики Узбекистан.

Материалы данной конференции опубликованы в полном тексте в результате исследования авторов.

Члены Оргкомитета:

Ректор БухИТИ, проф.Н.Р.Баракаев

Проректор по научной и инновационной работе БухИТИ

д.ф.м.н. М.Шарипов

Заведующая кафедрой узбекского языка и литературы БухИТИ,

д.ф.н. Г.С.Юнусова

Заведующая кафедрой иностранных языков БухИТИ, PhD М.Б.Баротова

Редактор:

Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы, БухИТИ

Г.Х.Истамова

Авторы несут ответственность за достоверность и правописание информации в статьях.

машойихлар ёки Ҳазрат Навоий тилидан баён қилинган араб ва форс-тожик тилидаги оят, ҳадис, ҳикмат ва шеърий парчалар сони мингдан ортиқни ташкил қиласиди.

Навоийнинг мазкур диний-тасаввуйий йўналишдаги асарларини ўрганиш орқали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ муайян маълумотлар олиш билан бир қаторда, унинг ислом илмларининг уетук билимдони эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиласиз. Бу алломанинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлик муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи ўзига хос омил эканлиги билан аҳамиятдир.

Навоий таъбирича, асл сўфийлар мазҳабпарастликни номуносиб ва Худога хуш келмайдиган иллат деб билганлар. Улар наздида барча инсонлар — Худо томонидан яратилган мавжудот ва ҳар бир дин Худога олиб борадиган бир йўлдир. Бу йўллар маълум маънода бир-биридан фарқланиши мумкин, аммо, йўлчининг мақсади, нияти уни бошқа йўловчилар билан яқинлаштиради.

Тасаввуф вакилларнинг таъкиди бўйича, “ҳар зарра миқдорича Ҳақ сари йўл бор» (Шайх Абу Сайд Абул Хайр), ҳеч кимга йўл ёпилган эмас. Фақат, бу йўлда қатъий ихлос, уммон каби сабр-тоқат бўлса бас.

Тасаввуфни ҳар тарафлама ўрганган инглиз олими Р. Николсон бундай ёзади: «Мусулмон бўлиб туриб барча динлар ва мазҳаблар билан муросамадора қиласидиган ва ўзаро кечиримлилик ва меҳрибонлик асосида яшайдиган жами кишилар, агарчи расман сўфий бўлмасалар ҳам, лекин улар (амалда) сўфийдирлар» {Доктор Али Астр Жалий. Ирфон асослари ва орифлар. Техрон, хиж. 1376. —55-бет}<sup>48</sup>.

Шундай қилиб, Навоий ўз асарларида турли тоифадаги сўфийлар ахлоқини таърифлаб, улардаги комил инсонга хос бўлган барча умуминсоний қадриятларни эътироф этган. Айниқса, уларнинг тупроқ каби хокисорлиги, мардлиги, тўғрисўзлиги, сабр-бардошлилигини алоҳида таъкидлаб, кишиларнинг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий-назар барча Мутлақ вужуд томонидан яратилган хилқат сифатида таърифлайди. Инсон, фақатгина, эзгулик йўлида фаолият юритиш, яратиш учун яратилганини айтади.

## АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Норова Малика Файзуллоевна

Бухоро давлат университети, Тарих ва маданий мерос факультети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси ўқитувчи

<sup>48</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Мовароуннахр” – “Ўзбекистон”, 2009. 296-б.(-448 б.)

**Аннотация:** Уибү мақолада улуг зот Алишер Навоийнинг асарлари орқали биз алломанинг дидактик қарашилари, таржимонлик ва тадқиқотчилик фаолияти ва эстетик қарашиларини ўрганамиз. Шу билан бирга Насойимул муҳаббат асари орқали кўплаб алломалар қатори Сайфиддин Боҳарзийнинг ҳаёти ва фаолияти, мартабалари, устозларига бўлган муносабати, комил инсонийлик даражалари ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** маънавият, тариқат, масаввух, фикҳ, ҳадис, тафсир, сўфий, ориф, зоҳид.

Мусулмон арқида Шайх ул-олам – Оламнинг шайхи номи билан донг таратган, улуғ авлиё, буюк тарбиячи, ўз даврининг етук устози, воиз, кубравия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган зот, аллома, нуктадон олим, ҳассос шоир Сайфиддин Боҳарзий ҳижрий 586 йил шаъбон ойининг 9-кунида – милодий 1190 йил 8 сентябрда Хуросоннинг Боҳарз деган жойида туғилган. Сайф ул-Ҳақ вад-дин Абулмаоний Сайид ибн ул-Мутахҳар ибн Сайид ал-Боҳарзий, шунингдек, шайх ул-ислом ва ал-муслимин, ворис ул-анбиё ва мурсалин, сultonи машойихи ал-шарқ ва ал-Чин нисбалари билан машхур. Шайхлик мақомини Нажмиддин Кубродан олиб, у кишининг халифаси сифатида кейинчалик кубравия тариқатини ривожлантирганлар. Ҳижрий 659 йил зулқаъда ойининг 24-кунида – милодий 1261 йил 20 октябрида Бухорода вафот этганлар ва Фатҳобод мавзесида дафн қилинган. Бухоро шаҳрида жойлашган бу маскан ҳозирда обод зиёратгоҳ ва халқ эъзозидадир.

Шайх ҳақларида кўплаб алломалар ўзларининг асарларида ёзиб қолдирганлар. Шайхул Олам ҳақларида Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Яҳъё ибн Аҳмад Боҳарзийнинг “Аврод ал аҳбоб ва фусус ал адаб”, Ҳамидулла Қазванийнинг “Нусҳатал қулуб”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоири” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Устоз Садриддин Салим Бухорийнинг “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” асарида келтирилишича Носириддин Тўра ўзининг “Тухфат аз зоири” асарида: “Ҳазрат Шайхул Олам олими боамал, муҳаддис Шайх Сайф ҳақ вад дин Абу ал Маоний Саъид бин ал Мутахҳар бин Саъид бин ал Боҳарзий<sup>49</sup>” деб ёзилган.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Шайх Сайфиддиннинг аждодлари яъни ота-боболари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади: Буни қуйидаги кетма-кетликда санаб ўтадилар. Ҳазрат Шайх Сайфиддин Боҳарзий ибн Муҳаммадхожа ибн Шариф Атохожа ибн Муҳийиддинхожа ибн Муваффақхожа ибн Аҳмадхожа ибн Саъидхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Исҳоқхожа ибн Абдулисломхожа ибн Муслимхожа ибн Нофеъхожа ибн Саъдхожа ибн Тафил (Туфайл)хожа ибн Утбахожа ибн Талҳахожа ибн

<sup>49</sup> Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратоҳлари. “Дурдона” -2012йил,146-бет.

Қосимхожа ибн Мұхаммадхожа ибн Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияоллоху анху<sup>50</sup>.

Шу билан биргаликда Алишер Навоийнинг “Насоимул мұхабbat” асарларида ҳам Шайхул олам ҳақларида күплаб маълумотларга эга бўламиз. “Насоимул мұхабbat”да таъкидланишича, Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур (яъни шогирдларири). Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра Ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди.<sup>51</sup> Бундан маълум бўладики, Шайх Сайфиддин Боҳарзий зоҳирий илмларни (яъни фиқҳ, ҳадис, тафсир ва бошқа илмлар) ўргангандан сўнг Шайх Нажмиддин Кубро хузурларига келиб, мурид бўлганлар. Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни Ҳирот ва Нишопурда ўргангандари ҳақида манбаларда ёзилгандир. Демак, Шайх Сайфиддин ботиний илмни Ҳазрат Нажмиддин Кубродан ўргандилар. Шайх Сайфиддин Бохарзий хирқани Шайх Нажмиддин Кубродан кийганлар.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс” китобларида бир ибратли воқеа баён қилинган. Бу воқеани Навоий ҳам кейин “Насоимул мұхабbat”га киритганлар: нақл этилишича, бир кун Хитойдан Ҳазрат Нажмиддинга бир канизак келтирадилар. Ул зот канизакни никоҳларига олиб, буюрадиларки, барча муридлар бу кеча риёзат-мехнатни тарқ қилиб, фароғатда бўлсинлар.

Бул фармондан сўнг ҳамма муридлар фароғат билан машғул бўлди. Сайфиддин Бохарзий эса офтобага сув олиб, бағирларига босиб, юрак тафти билан уни иситиб кечаси билан Шайхнинг ҳужралари остонасида турдилар. Токи Шайх эрталабки таҳоратда азият чекмасинлар. Саҳар Шайх бу ҳолни кўриб: “Нега фармонимни бажармадинг? Биз буюрувдикки, ҳамма фароғат ила банд бўлсин. Сен яна риёзат ила машғул бўлиб сен?!” дедилар.

Шайх Сайфиддин: “Мен учун Ҳазрат Шайх остоналарида бўлмоқдан ортиқ фароғат, лаззат йўқ”-дедилар. Бу жавобни эшитиб Ҳазрат Нажмиддин Кубро: “Башорат бўлсин сенгаки, подшоҳлар сенинг отинг рикобида бўлғай!”-деб башорат бердилар.

Дарҳақиқат, кунлардан бир кун Бухоро амири Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга бир от инъом қила туриб дейдики: “Ҳазрат отга минсалар, мен жиловдор бўлсан!” Шайхул Олам отга минган заҳот ювош от ҳуркиб югуради. Подшоҳ ҳам жиловни қўйиб юбормай от билан бирга югуради. От ўн-ўн беш қадамдан сўнг яна ювош тортиб тўхтайди. Бу ҳолдан амир

<sup>50</sup> Имом Шамсиддин Заҳабий (арабчадан Азизхўжа Иноятов). Машхур даҳолар сийрати. Т., ”Хилол”-2017йил, 153-бет.

<sup>51</sup> А.Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 17-том, Т., “Фан”-2001 йил, 295-бет., Шайх Нажмиддин Кубро, “Жамолинг менга бас”, Т. Ф.Гулом нашриёти, 1994 й..

хижолат чекади. Шайх: “Бу отнинг юрганида ҳикмат шу эрдики, шайх Нажмиддиннинг дуолари ижобат бўлди<sup>52</sup>”-деб воқеани айтиб бердилар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Шайхул Оlam хонақоҳларида зикр мажлиси ёҳуд сухбат бошлашдан олдин Қуръон тиловат эттирадилар. Тиловатдан сўнг ўқилган оятларга мувофиқ бадеҳатан рубоий ё битта қитъа форс-тожик тилида ўқирдилар. Бу рубоийларнинг аксарияти Бохарзий ижодлари бўлган. Мажлис аҳли бундан важд, завқ ҳолига киради. Бутун кеча давомида сухбат ўқилган оят маънолари ҳақида бўларди. Ҳазратнинг рубоий, қитъа, фардлари ояту ҳадис таъсирида бадеҳатан ижод қилинган асарлардир<sup>53</sup>. Бу асарларнинг бадиий қиммати ғоят баланд. Албатта бу ҳол Ҳазрат Шайхул Оламнинг улкан иқтидор эгаси эканликларига далил. Ҳазрат ширинталум воиз ҳам эдилар.

Сайфиддин Бохарзийнинг бу сўзлари башорат бўлиб чиқиб. Маликшоҳ ўз одамлари томонидан ўлдирилди<sup>54</sup>. Шайх Сайфиддинга “Шайхул Олам” унвони нега берилганди? Тарихий манбаларда такидланишича, Шайх Сайфиддин ҳазратларининг бир мактублари шарофотидан Чингизхон авлодидан бўлган подшоҳ Беркехон ислом динини қабул қилган. Буни кўриб барча раъияти, аркони давлати ҳам мусулмон бўлганлар. Шу боис халифа Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга “Шайхул Олам” унвонини берган.

Маълумки, Беркахон Ботухоннинг акаси эди. У Ҳазрат Шайхул Оламни кўриб, дуоларини олмоқ мақсадида Бухорога келган. Ҳалокунинг онаси улуғ малика Сиуркўктани бика Бухорода Шайх Сайфиддин амрлари билан мадраса қурдирган ва анча ерни вақф қилдирган. Манбаларда бу мадраса номи Хония эканлиги ёзилган ва 1273-1276 йилларда мўғулларнинг ўзаро ички урушлари натижасида вайрон бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, бу мадраса Сайфиддин Бохарзий вафотидан сўнг 65 йилдан кўпроқ вақт сақланганлиги ҳақида маълумот берилади<sup>55</sup>. Бохарзий Бухорода қурилган Хония мадрасасида ҳамда кейинчалик ўз ташабbusлари билан Бухоронинг Фатҳобод мавзесида қурилган мадрасада умрининг охиригача кўпчилик илм изланувчиларига таълим бериб келган. Фатҳобод мадarasасидаги ўқув жараёни ва илм бериш масалалари “Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Бохарзий” (“Бохарзийнинг фатво ва ирфоний воқеалар китоби”) асарида ёритилган.

<sup>52</sup> А.Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 17–том, Т., “Фан”-2001 йил, 151-бет.

<sup>53</sup> Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратоҳлари. “Дурдана” -2012.151-бет.

<sup>54</sup> Нажмиддин Комилов, «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи», Т. “Ёзувчи”-1996 йил. -бет.?

<sup>55</sup> Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. Академия Наук Узбекской ССР, Институт истории и археологии. – Тошкент: Наука, 1965. – 235 б; Norova. M.F. Saifiddin Boxarzi waqfi lands // Экономика и социум. 2019. №1(56). – С.78–82. <http://www.iupr.ru>; Норова М.Ф. Бохарзий ва унинг вақф ерлари // НамДУ Илмий ахбортономаси. 2019. 12-сон. – Б.107-114.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло дейди: “Ҳақиқат (ислом) келди ва ботил (куфр) ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир” (Ал Исро, 81-оят). Дарҳақиқат, тўғри! Тарихда доимо ғолиб тараф мағлубларга ўз дини, ўз урф-одати, тилини қабул эттиришга мажбур қилган. Лекин ислом динининг улуғлигини кўрингки, ғолиб (Беркихон ва бошқа чингизий подшоҳлар) мағлублар динини қабул этган.

Шайх Сайфиддин хулқу одобда, илму донишда намуна бўлганлар. Ул зотнинг беҳисоб кўп вақф ерлари бўлган. Бечора, етим, мусоғирларга бепул озиқ-овқат, кийим-бош доимий равишда бериб турганлар. Ҳазрат Шайхул Оламнинг бизгача бой маънавий мероси етиб келган. Булардан “Шарҳал асма ал ҳусна”, “Рисолаи ишқ”, “Воқеаи хилват», “Рубоиёт”, “Васиятнома”, “Рўзнома” каби китобларнинг муаллифи ҳисобланадилар.

Мустақиллик шарофати билан кўплаб алломаларнинг асарлари ўрганилиб, уларнинг муқаддас қадамжолари қайта тикланмоқда ва уларнинг тарихи ўрганилмоқда. Ватандошларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бой маданий меросимиз қайта таржима қилинмоқда ва халқимизга етказилмоқда. Шу қаторда ҳозирги кеча - кундузда Сайфиддин Боҳарзийнинг ҳам асарлари таржима қилиниб ўрганилмоқда.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, МАТ, 17–том, Тошкент, 2001, “Фан”, 295бет.
2. Имом Шамсиддин Заҳабий (арабчадан Азизхўжа Иноятов). Машхур даҳолар сийрати. Тошкент, 2017, “Ҳилол”, 479 бет.
3. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи, Тошкент, 1996, “Ёзувчи”. 447-бет.
4. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табарруқ зиёратоҳлари. Бухоро, 2012, “Дурдана”, 415бет.
5. “Суфизм в центральной Азии”, Санкт-Петербург-2004 г., 89 стр.
6. Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас, Тошкент, 1994, “Ғ.Ғулом нашриёти”.

### **АЛИШЕР НАВОИЙ БАДИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОН ТАНА АЪЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТИ**

Сайдова Гулруҳ Ёқубовна,  
БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти

**Аннотация.** Мақолада Алишер Навоий шеърий асарларидаги инсон тана аъзолари билан боғлиқ ўхшатишларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари очиб берилган.

## MUNDARIJA

F.I.Sh.	Maqola nomi	Bet
Баракаев Н	Навоийни англаш баҳти	8
Kenan Koch	Өлішер Науаи	9
Olim S.	Alisher Navoiy – davlatshunos	17
Мадаева Ш.О.	Алишер Навоий фалсафасида космологик онтология тамойиллари	26
Наврӯзова Г.	“Ҳайрат ул-аброр” асарида Баҳоуддин Нақшбанд тавсифи	30
O'rayeva D.,	Alisher Navoiy g'azallarida til odobiga oid	34
O'rayeva G.	tushunchalarning iboralar orqali ifodalanishi	
Quvvatova D.,	Alisher Navoiy she'riyatida shamol obrazi talqini	39
Sharipova R.		
G'afforova Z.	Navoiy “Hayrat ul-abrор”ida rostlik targ‘ibi	41
Rajabova M.	Alisher Navoiyning “Nasoyim ul - muhabbat” asaridagi tushlarga doir mulohazalar	44
Yunusova G., Samiev A.	Ҳазрат Мир Алишер Навоий ижодида ўзликни англаш ғояси	52
Rajabova R.	Navoiy ijodida folklor namunalari	55
Tadjiev X.	Navoiy va o‘zbek adabiyotida arba’in janri	58
Казимова Г.	Один из гениев узбекской литературы средних веков - Алишер Навои	61
Sulaymonova D.	Important aspects of the work of the representatives of the lake school	65
Sohibova Z.	G‘am xazonin zohir etmish chehrayi zardim mening	71
Асрарова М., Джураев Ф.	Воспитание нравственных качеств личности на примере творчества Алишера Наваи	74
Камалова Д.	Алишер Навои – гордост Узбекского народа	77
Баратова М., Джураев М.	Вопросы личности автора и буквальной текстуры	80
Баратова М.	Философские основы художественно-эстетических взглядов Алишера Навои	85
Ахмедова Г., Жураев А.	Алишер Навои - чест Узбекского народа	89
Fayzieva M. , Kudratova K.	Alisher navoiy asarlarida ona timsoli talqini	92
Караматова З.	Бесценный дар, оставленный предками	94
Karamatova Z., Rasulova N.	Interpretation of the women's image in Alisher Navoi's works	97
Mamedova M., Toshev Sh.	Ascetic lifestyle of A. Navai	99
Niyazova M., Oromova M.	Interpretation of Sabai Sayyor epic poem in Khamsa	102
Norova M., Norova M., Norova F.	Life and work of Alisher Navoi, the founder of the uzbek literary language and literature, poet,	104

	scientist and educator	
Odinayeva N, Hamitova S	Alisher navoiy asarlarida o'zlikni anglash g'oyasi	108
Kurbanov A., Choriev G'.	The study of Alisher Navoi's heritage begins with the study of his life and creative way	111
Kurbanov A.	The study of Alisher Navoi's literary heritage is in the eyes of scholars	114
Safarova Z. Tursunova Ch. Saidova Z.	Ancestor of the uzbek literary language Reflection of humanity, active entrepreneurship and innovative ideas in Alisher Navoi's works	118 122
Саломова М., Зохирова А.	Философско-эстетическая сущность в поэзии Алишера Навои	124
Salomova M., Jumayeva D.	Origins of Alisher Navoi and the history of the Temurids	130
SayitovaK., Abdulloyeva F.	The role of Alisher Navai's works in the education and upbringing of the young generation	133
Sharipova F.	The peak of Navoi's creativity	136
Шарипова Ф., Коршунова А	Алишер Навои - великий поэт, рол духовного фактора в воспитании подрастающего поколения и в его литературном наследии	139
Istamova G. Khayrullayeva G.	Commonwealth and differences of "Nafahot ul-uns" and "Nasoyim ul-muhabbat"	144
Toirova U., Xamidova A	Alisher Navoiyning "Sher va Durroj" hikoyasining majoziy ma'nosi	148
Шодиева И.	Алишера Навои- защитник и прославленник родного языка и литературы	151
Shoyimqulova M., To'rayev O	A certain contribution to the formation and development on the uzbek literary language of Navoi's period	156
Shoyimqulova M., Ahatova D	High ideological opinions of Navoi about the language	161
Shoyimqulova M.	Educational-moral views of Alisher Navoi	164
Sidiqova N., Axmedova D.	Alisher Navoiyning ilmiy, falsafiy, axloqiy va badiiy merosi olamshumul ma'naviy mezonlar sifatida	168
Mustaqimova Q	O'zbek xalq ma'naviyatining tarixiy ildizlari	171
Истамова Г	Навоий насида авлиёлар талқини	173
Қодирова М	Ўз вужудингни тафаккур айлагил...	178
Ибодова Н	Иброҳим Мўминов талқинида Алишер Навоий мероси	181
Sidiqova N	Navoi's Attitude to national and universal values	185
Tillayeva Sh.	Alisher Navoiyning ta'limi – axloqiy qarashlari	188
Toirova U.	Oybekning Navoiy va Otaulining «Zanjirband sher» asarlaridagi timsollarning kelib chiqish usullari	191

Yusupova Sh., Akbarova U. Akmedova U., Yusupova Sh. Saidova Z.	Alisher Navoi is a great humanist and the founder of enlightenment ideas Alisher Navoi's works are a source of imitation and inspiration for youth Expression of the human mental state in the works of Alisher Navoi and western writers	196 199 203
Faniyeva Y.	Навоий лирикасида қўлланилган соматизмлар талқини	205
Fayzrahamanova Z.	Алишер Навоий ғазалларида инсон тана аъзоларининг бадиий маъноларда қўлланиши	208
Gulova A. Horova M.	Алишер Навоий асарларида илмга муносабат Алишер Навоий асарларида Сайфиддин Боҳарзийнинг тасаввуфий қарашлари	211 215
Saidova G.	Алишер Навоий бадиий асарларида инсон тана аъзолари билан боғлик ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусияти	219
Josupova III.	Понимание искусства переводов произведений Алишера Навои	225
Axmedova R. Kamolova M.	Alisher Navoiy asarlarida badiiy so`z qudrati Alisher Navoiy ruboilarida oyatlarning g`oyaviy- badiiy talqini	229 232
Abdurahimova O.	Hasanxo`ja Nisoriyning “Muzakkiri ahbob” tazkirasida Amir Haydar Alisherning muqaddas yodi	235
Akramova K.	Alisher Navoiy “Xamsatul-mutahayyirin” asarining o’rganilish tarixi haqida	238
Shoyimova G.	Alisher Navoiy ijodi Muhammadjon Hakimov talqinida	242
Bakhshulloyeva Sh. Bahronova Z.	The image of the heart in Navoi`s works Alisher Navoiyning “Sab’ai Sayyor” dostonida badiiyat masalasi	244 247
Mulloqulova Z.	A.Navoiyning “Layli va Majnun” dostonining nasriy bayonlarida sarlavhalarning berilishi	250
Kuchqorova Sh., Karimova S.	Alisher Navoiy she’riyatida folklor an’analari	254
Orzienova L.	Жизненный путь поэта, мыслителя Алишера Навои	258
Sharipova M.	Alisher Navai`s great contribution to the Uzbek literature	261
Kuchqorova Sh., Yarashova D. Azimova M. Siddiqova X.	Alisher Navoiy falsafiy merosining ma’naviy taraqqiyotni ta’minlashdagi roli Great ancestor of uzbek people Alisher Navoyi ijodining yoshlar tarbiyasiga ta’siri	264 268 270

Abdullayeva G., Bekmurodova M.	Analysis of ghazal “spring is like absolute hell for me without you” written by Alisher Navoi	273
Abdullayeva G., Sharopova D.,	The idea of self-concept in Alisher Navoi's works	276
Noriyev I., Qurbanova Sh.	Alisher Navoiy asarlarida insonparvarlik g'oyalarining aks ettirilishi	278 280
Sayidova Sh.	Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida badiiy san’atlarning o’rni	284
Сафарова З.	“Садди Искандарий” да етимлик мотиви	288
Norova R., Ismatullayeva R.	Alisher Navoiy hayoti va adabiy faoliyati	
Baxronova M.	Alisher Navoiy asarlarida odamiylik fazilatlarining ulug`lanishi	291
Barotova M.	Multifaceted personality of Alisher Navoi	
Subxonov B., Tillayeva Sh.	Yosh avlodni ma’naviy barkamol etib tarbiyasida	294
	Alisher Navoiy merosining muhim ahamiyati	297